O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 30 июн | 20 (150)- сон

БУГУН ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

МАДАНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДА ҲАМКОРЛИКЛАР

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ...

Халқимизнинг севимли шоири, бадиий сўз суханвари Эркин Воҳидов дилдилдан чиқариб, камоли ғуруру ифтихор туйғулари мавжи-ла ифодалаган самимий дўстлик васфи бу: « Дўст билан обод уйинг...»

Буюк аждодлардан мерос бу қутлуғ уй, айниқса миллий Истиқлол шарофати билан ўзгача виқор, ўзгача файзу шукуҳ касб этиб бораётган, том маънода қондош, қавмдош, тақдирдош эл-улус, чин дўстлар маскани — Ўзбекистондирки, унинг осуда, кунба-кун ободу маъмур бўлиб бораётган ҳаёт тарзини, биринчи навбатда, яқин ҳамсоялар, қадимий дўстларсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта.

Ажойиб хушхабар тарқалмоқда: азал-азалдан меҳмоннавоз, бағри кенг, меҳри дунё, дўстпарвар, Тангри назари тушган саховатли юртимизда Тожикистон кунлари бошланяпти. Бу муборак мужданинг чуқур рамзий маъноси бор. Кўҳна ва бой тарихи «Мулки Ажам» деб аталган, руҳий-маънавий илдизлари, маданий-маърифий сарзамини ками билан беш минг йиллик буюк салтанатлар — Турон-Эрон манбалари қатлами билан туташган икки беназир ва муштарак этнос-туркий ўзбек ва тожик халқлари ҳамкору ҳамдаст бўлиб тиклаган Буюк иморат — Дўстлик, Қардошлик уйи... Кенг маънода, бу — умумбашарий маданият бешикларидан бири — икки дарё оралиғи, Жайҳун ва Сайҳун соҳиллари ва атроф ҳудудларида бунёд этилган боқий шаҳарлар, боқий ёдгорликлар, боқий китоблар, боқий мактаблар, ўлмас анъаналарнинг «бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд» ҳаммуаллифлари бўлмиш икки қадимий, қондошу ёндош халқ даҳоси, салоҳияти демакдир...

Тожик адиби Боқи Раҳимзода лутф ила айтганидай, «фақат икки тилда сўзлашувчи», асли суврат ва сийрати — -ҳилқати,дили бир бўлган икки қондош ватанида санъат ва фасоҳат байрами бошланади, энг муҳими, замон талаби билан қадимий дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг янги имконият, янги қирраларини инкишоф этиш мулоқотлари бўлади.

Айниқса, адабий дўстлик, ҳамкорлик мактаблари, кенг маънодаги мушоира анъаналари чуқур тарихга эга. Чунончи, улуғ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си икки халқ тилида (ҳам оригинал-аслиятда, ҳам таржима орқали) турли кўриниш, турли нусхаларда кенг тарқалгани, асрлар давомида бой маънавият, юксак ахлоқ тимсоли сифатида хизмат қилгани айни ҳақиқат. Саъдий, Ҳофиз, Румий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб каби хассос шоирлар мероси биринчи навбатда, икки заминдош, қондош халқнинг бадиий хазинаси, нафосат мулки ҳисобланган. Умуман, минг йиллик адабиётимиз тарихида форс-тожик тилида шеър ёзмаган бирор машҳур ўзбек шоирини учратиш қийин. Ўша қутлуғ анъана — бобомерос ижодий ҳамкорлик ҳозир Ўзбекистонда ҳам, Тожикистонда ҳам давом этмоқда. Чунончи, Ўзбекистондаги Тожик маданияти марказининг фаолияти — ижодий мактаби (раҳбари — олим ва таржимон профессор Ҳ.Ҳамидов) ўрнак бўларлидир.

Қадим-қадим замонлардан, аввало азалдан то абад қондош, қолаверса, қисматдош бўлмиш икки халқ — ўзбеклар ва тожикларнинг қалби — ботини, руҳиятидан жой олган сўз, мусиқа, рақс, хонишнавосозлик, наққошлик, меъморлик, зардўзлик, каштачилик, бошқа ўнларча касб-ҳунар, амалий санъат, моддий-маиший, бадиий маданият соҳаларидаги вобаста, уйғун, мутаносиб жиҳатлар, сўнгра, одат-удум, анъана, қадриятлар борасидаги ажратиб бўлмас яқинлик, муштаракликнинг бардавомлиги, равнақига ҳеч қандай куч, маломат, адоват раҳна сола олмайди...

Бас, XXI аср бўсағасида, миллий тотувлик, ўзаро ҳамкорлик ва самимий дўстлик муҳитида, хусусан, ҳозирги янгича тафаккур, янгича муносабатлар шароитида нафақат икки қадимий халқ, балки икки халқ тимсоли бўлмиш ҳар бир хонадон, унинг ҳар бир аъзоси — катталарию болаларининг эзгу мурод-яхши нияти, умрининг чин маъноси, файзи-барокати — ҳаммаси қадимий, табаррук дўстлик, биродарлик алоқалари — жон ришталарининг тақдири, инсоний қадриятлар тақдири. алал-оқибат яхшилик, эзгулик, дўстлик тантана қилажагига бўлган ишонч-эътиқодимизни кучайтиради.

Илло, бизнинг қудратимиз ўша боқий дўстликда.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Бошоқдаги дон — дастурхондаги нон

ОЛАМ КЎРКИ

1994 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон уруш ва меҳнат фахрийлари Фарғонанинг Қувасой шаҳрида биргаликда бир боғ яратган эдилар.

Қувасойда бир табаррук чорбоғ бор,
Уни бунёд этган қардош тўрт диёр,
У тўрт диёр фарзандларин бунёди,
Қадим дўстлик меҳрин абадий ёди.
Кузак, атлас ҳаво салқин, мусаффо,
Она-замин гўзал эди, гул дунё,
Боғ яратди эзгу тинчлик юриши,
Қўчатларнинг гуркираб, гул туриши,
Ёндош, қондош эллар рамзи эди у,
Яхшилардан қолар шундай боғ мангу,
Турар ўрик, олма, ёнғоқ, нок, хурмо,
Бирин экди қозоқ Муҳамбет оғо,
Тожик адиб Боқизода сўнг бирин,
Кекса қирғиз Тўхташ ота дўст ерин
Эъзоз тутиб ўтқазди кўчат шу дам
Зикр, Самиғ, Азиз устозлар ҳам,
Дўстлар меҳрин она-ерда бир кўрдим.
Бундай бирлик олам кўрки деб турдим,
Инсон учун дунё мангу боғ бўлсин,
Дўстлик йўли доим оқ, порлоқ бўлсин.

НАЗАРМАТ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!
Қадрли журналистлар ва матбаачилар!

Сизларни касб байрамингиз — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этаман. Зотан, бу байрам нафақат сизлар, балки бутун халқимиз ҳуррият, озодлик, сўз ва фикр эркинлиги рамзи сифатида нишонлайдиган қутлуғ кундир.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида одамларимиз онги ва тафаккурида кескин бурилиш юз берди. Жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий жиҳатдан тобора соғломлашди. Бу кундалик ҳаётимизда ҳам, мақсад ва интилишларимизу фуқароларимиз руҳиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Кишилар қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор ҳисси тобора кучайди.

Ана шундай жиддий маънавий-руҳий янгиланишларда журналистлар ва матбаачиларнинг ўз ўрни бор. Улар янгиликлар жарчиси, ислоҳотлар тарғиботчиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида ва шу билан ҳаётий муаммоларга онгли ёндошувчи ёшларни тарбиялашда фаолият кўрсатмоқда.

Шуни мамнуният билан айтаманки, истиқлолнинг ўтган даврида журналистларимизнинг ҳам тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Матбуотимиз тобора миллий шакл, миллий мазмун, миллий қиёфа касб этиб бормоқда.

Янги XXI аср ақл-идрок, маънавият ва тафаккур асри — соғлом мустақил фикр, соғлом ғоя, умуминсоний қадриятларга таянган тафаккур тантана қиладиган аср бўлади. Ана шундай пайтда ҳаётимизда матбуотнинг роли яна ҳам ошади. Унинг вазифаси ва жамият олдидаги масъулияти кенгаяди. Журналист сўзининг салмоғи ошади. Шундай экан, матбуотимиз ўзининг иқтидорини, кучқудратини, бутун салоҳиятини, тажрибаларини бойитиб бориши шубҳасиз.

Азиз дўстлар!

Сизларни касб байрамларингиз билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга тинчлик-омонлик, ижодингизга барака, жамият ва халқ олдидаги ғоятда масъулиятли ишларингизда муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Тожикистон Республикаси ўртасида тузилган «Маданият ва ижтимоий соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги битимга мувофиқ мамлакатимизда шу йил 29 июндан 5 июлгача Тожикистон Республикаси кунлари ўтказилади.

Мазкур тадбир дастурига мувофиқ 29 июнь куни эрталаб Тошкент аэропортида диёримизга ташриф буюрган қардош республика вакилларини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Самолёт пиллапоясидан тушиб келган меҳмонларга анъанавий карнай-сурнай садолари остида анвойи гуллар тақдим этилди.

Тожикистон Республикаси маданият вазири Бобохон Махматов бошчилигида келган меҳмонлар орасида давлат «Лола», «Зебо», «Жаҳонаро» ансамбллари, Жўрабек Муродов, Давлатмурод Холов, Одина Ҳошимова сингари таниқли хонандалар, Ҳабибулло Абдураззоқов, Хайри Ватанова, Парвина Шукуруллаева каби иқтидорли шоир ва ёзувчилар, шунингдек, бир қанча таниқли кино арбоблари, рассомлар бор.

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, маданият ва санъат намоёндалари, жамоатчилик вакиллари кутиб олди.

(ЎзА).

Бугуннинг саволлари

ТАЁҚНИНГ ИККИНЧИ УЧИ

Кўҳна муқаддас битикларда одам боласи нимани хор қилса, оқибат бир кун ўша нарсага зор бўлади ва алал-хусус ўзи-да хор бўлади деб ёзилган. Дунёда одамзоднинг табиатидек мураккаб ҳодиса йўқ. Инсон ҳеч вақт бир нарсага кўникиб яшолмайди. Унга ўзгарувчан беқарор инстинкт хос бўлиши билан мослашувчанлик ҳам хосдир. Ҳуллас, савол ҳам, жавоб ҳам инсоннинг ўзида жамул-жам бўлган.

Бу гаплар мамлакатимизнинг энг катта бозорини айланиб юриб одамлар издиҳоми ва шовқини аро харидорларни мол олишга чорлаётган таниш овозни эшитиб туриб кўнгилдан кечди. Негаки, бу овоз соҳиби 2-3 йил олдин илмий иш ҳимоя қилиб, баобрў даргоҳлардан бирида мударрислик қиларди. Тақдирнинг ишини қарангки, бугун шундай истеъдодли олим бозорда совун сотиб ўтирибди. Ҳурматли олимимиз бозор иқтисодидан роса зорланиб, сўзини тирикчилик ўқа, тирикчиликнинг айби йўқ деб мустар тугатди...

Мана, турмушнинг турфа кўринишларидан биттаси. Биз шу ҳодисани мисол келтириб бозор иқтисоди ҳақида ҳулоса чиқармоқчи эмасмиз. Биз тижоратчи олимни айбламоқчи эмасмиз; уни айблашга ҳаққимиз ҳам йўқ, фақат миллатнинг асл истеъдодлари нима қилсак ва қачон ўз ўрнини, ўз қадр-қимматини топади? — деган саволга жавоб излаб кўрмоқчимиз. Ўз истеъдодлари кучини Қаҳҳор таъбири билан айтсак, «ўтин ёришга сарфлаётганлар» озми-кўпми орасида? Нега ҳамон жойларда кадрлар йўқлиги ёки кадрлар қунимсизлиги ҳолатлари кўпайиб бормоқда? Ҳар йили олий ўқув юртларида журналистлар тайёрланиш палласи. Қай бир соҳада ўз ўрнимизни тополмаётган эканмиз, бунга ўзимиз айбдормиз. Демак, ҳали тафаккуримизда, онгимизда мудраш бор. Калта ўйлик бор. Бу таёқнинг биринчи учи. Иккинчи учида нима бор деб ўйлайсиз, азиз газетхон?!

Тўтихол СОАТОВА

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРМАГУНЧА..

Ҳозирги Ўзбекистон журналисти қандай бўлиши керак, унинг университетдаги олий таълими қандай ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деганга ўхшаш саволлар шу соҳа учун кадр етиштиришга чорлаган кишиларга тинчлик бермайди.

Ўрганиш бўлиб қолган сўзлар, тушунчалар билан «журналист юртини севиши, ўтмишини қадрлаши, истиқболини кўзлаб қалам тебратиши, видеокамера, микрофон олдида ижод этиши» керак дейман-да. Ҳозир куннинг яна талайгина талаблари борлиги ҳақида мулоҳаза қиламан. Шунда ўйларинг қанчалик тўғри, интилишинг олийжаноб бўлмасин, замонавий ахборот технологиясидан кенг, ўринли фойдалана олмасанг, ҳикоянг бир ёқлама, хабаринг тўла бўлишини таъминлаш амри маҳол бўлиб қолишини англайсан. Мушоҳаданг ҳам чекланиб қолиши, хулосаларинг етарли даражада асосланмаган бўлиб қолиши мумкин. Ўкувда шу ҳолга ҳам аҳамият бериш зарур, деб биласан. Лекин «интернет» хазинаси бой, ранг-баранг. Айни бир вақтда ундаги барча ахборот ҳам ҳаққоний бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга бу халқаро алоқа воситаси дастурига ўзимиз ҳақида кўпроқ маълумот беришимиз, мустақил Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеаларни муттасил узатиб туришимиз зарур. «Интернет» экрани ёнида миллионлар ижод этиши, ҳабар, маълумот йиғишини назарда тутиб, журналистик таълим тизимини янада мукаммаллаштириш устида тинимсиз ишлашга тўғри келади. Шу мақсадда «Коммуникация назарияси ва амалиёти» кафедрасини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний ўз даврида ахборотни ҳатто афсонадан, эртакдан олишга даъват этган эди. Эндиликда электрон техника ёрдамида ўзимизни таништиш, тарғиб қилиш, шу билан бирга, турли қитъалардан экран орқали етиб келаётган хабарларни қабул этиш, саралаш, баҳолаш, жамият эътиборига ҳавола қилиш давр талаби бўлиб қолди. Журналистик фаолиятда бадиийлик, тезкорлик ва илмий теранлик уйғунлашганда, самара катта бўлади. Журналистикамизда ҳам чуқур ўрганилмаган жанрлар ва маҳорат масалалари, ахборот манбалари ҳамда улардан фойдаланиш йўллари, солномаларда хабар ва бадиийлик каби ёзма ва аудиовизуал соҳалари бор. Уларни узлуксиз ўрганиб бориш ҳозирги амалиётга ижобий таъсир кўрсатади. Шунда ўнлаб-юзлаб кам ёритилаётган ёки умуман ёритилмай қолаётган мавзуларни юксак савияда кўтариб чиқиш мумкин бўлади.

Ҳамидулла АКБАРОВ

ТОЖИКИСТОНДА МИЛЛИЙ БИРЛИК БАЙРАМИ

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмонов 1997 йил 27 июнда имзоланган миллий келишув ва тинчлик битимининг бир йиллиги муносабати билан мамлакат фуқароларига мурожаат қилиб, уни тожик халқи тарихидаги мислсиз ютуқ деб баҳолади. «Бизнинг тинчликка эришмоқ учун танлаган йўлимиз, — деб таъкидлайди Эмомали Раҳмонов, — дунё ҳамжамияти томонидан жуда ноёб тарихий тажриба сифатида баҳоланди, зотан дунёда ҳеч қайси ҳукумат тинчлик битимини имзолаш, миллат ва давлат бутунлиги, осойишталик ва миллий бирликни сақлаш учун ҳеч қачон тарихда бунчалар кўп келишувчиликка бормаган, ҳар қанча зиддиятларга қарамасдан, тинчлик ва хавфсизликни бунчалар қаттиқ туриб ҳимоя қилмаган эди. Ватан ва миллатнинг бугунги ҳамда келажак тақдири, унинг фаровон истиқболи учун биз узоқ ва мушкул амалий йўлни босиб ўтмогимиз даркор. Биз бунинг учун ўзига яраша куч-қудрат ва масъулиятга эгамиз».

27 июн куни бутун Тожикистонда битим имзоланганлиги муносабати билан тантаналар бўлиб ўтди. Тожикистон Президенти Фармони билан 27 июн байрам — Миллий бирлик куни деб эълон қилинди.

Бир ўқ атрофида айланар дунё

ЖАНОБ ЛУКАШЕНКО ХАФА

Швейцариянинг Кран-Монтана шаҳрида Халқаро иқтисодий форум бўлиб ўтмоқда. Жаноб Лукашенко Белорус ТВси орқали баёнот бериб, бу форумдан ўзи учун ҳеч қандай яхшилик кўтмаганлигини айтди. «Беқор айтадилар — бу демократия эмас, бу — ҳайвонот боғининг айни ўзи, — деди жаноб Лукашенко. — Бизни қучоқ очиб кутиб олмасликларини билган эдик. Лекин бунчалик расво бўлади, деб сира ўйламаган эканмиз. Бу менга қарши ҳозирланган бошқа фитнадан нарса эмас», — дейди яна Лукашенко.

«Новости» агентлигининг яхши хабардор доираларига суяниб маълум қилишича, Швейцария ҳукумати Белорус президенти билан ҳар қандай расмий алоқаларни ўринсиз деб топди. Минскни кўпгина Ғарб давлатларининг элчилари норозилик билдириб, ташлаб чиқиб кетганларидан сўнг Европада жаноб Лукашенкога муносабат мана шундай кескин тарзда ўзгарди. Берн ҳам БМТнинг Женевадаги бўлимига ҳам Лукашенко билан илгари белгиланган муомалаларини тўхтатиш тўғрисида хат юборган. Жаноб Лукашенко 24 июнда БМТ идораларида бўлиши, қуролсизланиш конференциясида нутқ сўзлаши, ўз китобининг тақдимотида қатнашиши керак эди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ўтказилмади. Жаноб Лукашенко халқаро иқтисодий форумнинг ноҳукумат тадбиридагина бир кун қатнашди. Ундан дарҳол гапни «элчиларни ҳайдаш» сабаблари устида бошлашни талаб қилдилар. Сўнг вақт танг бўлиб қолганлиги боис Лукашенкодан матбуот конференциясини бошқа ерда ўтказишини сўрадилар. Дарғазаб Лукашенко шундан сўнг мажлислар залини тарк этди.

ТУРКИЯДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

Туркиянинг жанубий-шарқий вилоятларида қаттиқ ер қимирлади. Туркиянинг ўрта Ер денгизи бўйидаги курортлари яқинида, Адана шаҳридаги зилзила чоғида 50 киши ҳалок бўлди.

Би-Би-Си мухбирларининг хабар беришича, кўп ночор қурилган уйлар босиб қолган, электр симлари узилган, минглаб одамлар лат еган уйларга киришдан қўрқиб, кўчаларда тунамоқдалар. «Анатолия» агентлигининг маълум қилишича, Чейхон шаҳрида 30 дан ортиқ киши ўлган.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ ҲАРБИЙ КЕМАСИ ТЎРГА ИЛИНДИ

Жанубий Корея соҳиллари атрофида сув тагида юрган Шимолий Корея сувости кемаси балиқчиларнинг тўрига илиниб қолди. Жосуслик мақсадларида фойдаланиладиган ушбу сувости ҳарбий кемаси Жанубий Кореянинг портларидан бирига судраб келтирилди. Унинг ичидан 9 та ўқ еб ўлган кишининг жасади топилди. Мутахассисларнинг фикрича, булар қўлга тушмаслик учун ўз-ўзларини отган кема аъзоларидир.

Шимолий Корея ҳукумати кемани қайтариб беришликни талаб қилмоқдалар.

ҲАҚСЎЗ СОҲИБИ

Матбуотни тўртинчи ҳокимият дейдилар. Лекин бу соҳа вакиллари ўзларича бирор-бир қарор чиқаролмайдилар. Айтайлик, бировга уй-жой ажратиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чеколмайдилар ёки қилгиликни қилиб, қочиб юрган жиноятчини ушлаб жазога маҳкум этолмайдилар. Шунга қарамай, одамлар бошқаларга айтмаган дардини журналистларга бемалол айтадилар. Бирор масала бўйича тегишли идораларга қайта-қайта мурожаат қилиб, мақсадларига эришолмаслар, газета-журналлар, радио-телевидение таҳририятларидан нажот кутадилар.

Қизиқ, нега шунақа? Менимча, бунинг сабаби оддий: журналист аҳли ҳамиша халқ дарди билан яшайди, мудом эл-юрт орасида бўлади. Ва энг муҳими, у ҳар доим халқ сўзини ' ҳақ сўзни айтади. Орамизда бундай сўз соҳиблари жуда кўп. Улардан бири ҳамкасбимиз Ашурали Жўраевдир. У узоқ йиллар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлаган. Айни кезларда эса «Муштум» журнали ижодий жамоасига раҳбарлик қилмоқда. Лекин гап одамнинг қаерда, қай лавозимда ишлаганида эмас, қандай ишлаганида! Масалага шу жиҳатдан ёндошсак, Ашурали қандай инсонлиги ҳаммамизга маълум. У ҳақгўй, камтар-камсуқум, касбига вафодор, ҳалол қаламкашдир. Ана шу хислатлар ҳамиша унга ёр бўлиб қолаверсин.

А.ҲАЙДАРОВ



ХОТИРА ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРАДИ

Мустақилликка эришилган биринчи кунларданоқ олдимизга қўйган вазифалар орасида ватандошларимиз асрлар давомида орзу қилган фаровон, тинч-тотув ҳаётга эришиш, фарзандларимизнинг бахтини кўриш умидлари, ўзгалардан кам билмаган, ҳавас қилишга арзийдиган муносиб ҳаёт қуриш туйғулари, эзгу ва улуғ ниятларимизни амалга оширишда маънавий камолот сари интилиш, шу асосда барча элат ва миллатга мансуб кишиларнинг бошини қовуштириш, бир сўз билан айтганда, эл-юртимизни бирлаштириш мақсадлари алоҳида ўрин тутади.

Яқинда Президент ҳузурида бўлиб ўтган кенгаш мана шу сўзлар билан бошланди. Кенгашда мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган, анъанага айланган 9 Май байрами - Иккинчи жаҳон уруши тугаган кунни нишонлаш билан боғлиқ маросимлар ҳақида, бу йилги тадбирлар пайтида Президентимизнинг уруш қатнашчилари билан учрашувда билдирган фикрлари, шу фикрлар атрофида матбуотда баён этилган изоҳлар ва шарҳлар ҳақида сўз борди. Бу маросимларни ўтказиш ва уларга халқимизнинг ҳурмат-эътиборини ошириш хусусида фикр алмашилди.

Ҳақиқатан ҳам, Иккинчи жаҳон уруши якун топган кун эллик уч йилдирки ҳам қувонч, ҳам армон туйғулари билан ёд этилади. Бу машъум урушда 50 миллион киши ҳалок бўлди, беҳисоб одамлар майиб-мажруҳга айланди. Она ватанимиз Ўзбекистонда ҳам бу уруш кулфатини тортмаган оила йўқ, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистонлик 450 мингдан зиёд йигитга жанг майдонларидан қайтиш **ни жойига қўйиш куни сифатида нишонлаш ғоясини олға суриб келмоқда.**

Бошқача айтганда, Президент 9 май байрамини шўровий дунёқараш, коммунистик нуқтаи назардан туриб дабдаба қилиш ўрнига унга бугунги реал воқелик кўзи билан қараб, унинг асл моҳиятини очиб бериш зарурлигини таъкидламоқда.

Ҳаёт талаби, мафкуравий сиёсатимиз,ёшларимизни маънавий соғлом этиб тарбиялаш мақсадлари шуни тақазо этмоқда. Бинобарин, бу байрамнинг маъно ва мазмунини, шаклини, тарғибот усулларини, бугунги турмушимиздаги ўрни ва аҳамиятини жиддий ўйлаб кўриш, бу хусусда бош қотириш зарур.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Турли миллат, турли элатга мансуб миллионлаб кишиларнинг дарё-дарё қони, тортган мислсиз азоб-уқубатлари эвазига эришилган бу ғалаба бугунги кунда айрим собиқ совет республикаларидаги бир тўда шовинистлар, сохта ватанпарварлар қўлида дастак бўлиб қолмоқда. Улар бу байрамдан СССРнинг қўмсаш, уни тиклашга уриниш, коммунистик «дориломон кунлар»ни қайтариш учун бир восита сифатида фойдаланмоқдалар. Бундай сиёсат остида қандай мақсад ва манфаатлар ётганини тасаввур қилиш қийин эмас. бу тарихий санани сохта ақидапарастлар қўлидаги ташвиқот қуролига айлантириб қўймаслигимиз лозим. Бу, аввало, ўша қурбонлар хотирасига ҳурматсизлик, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмас.

Чунки энди замон, тараққиёт ҳаёт синовларига бардош беролмаган эски мафкурани кўтармайди. Хусусан, озодликка эришган мамлакатнинг истиқлол мафкураси бундай ёндашув билан асло муроса қилолбуткул фарқ қилувчи бу ҳароратли сўзлар ҳар бир кишини чуқур ўйга толдириши табиий, албатта.

Шу суҳбатда давлатимиз раҳбари Номаълум солдат қабри атрофини Хотира хиёбонига айлантириш ҳақида янги бир таклиф билдирди.

«Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб, жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштирсак, уларнинг ҳурматини жойига қўйсак, жуда савобли иш қилган бўлур эдик. Менимча, Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган барча азиз юртдошларимизнинг хотирасини пойтахтимизнинг Марказий майдонида абадийлаштиришимиз лозим».

Президентимизнинг чуқур ҳаётий мантиққа асосланган бу фикрлари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. айниқса, ўша жонли жангоҳларда ўлимларни доғда қолдириб шу кунларга етиб келган нуроний оталаримиз - уруш қатнашчилари бу таклиф юзасидан қизғин мулоҳазалар билдиришди.

«Юртбошимизнинг ҳар қандай оддий инсон қалбига тез етиб борадиган самимий ва таъсирчан сўзлари менинг қалбимда ҳам ўчмас акс садо уйғотди, - дейди Собир Раҳимов туманидаги Истиқлол маҳалласининг оқсоқоли,Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Муҳомбек Тўраев. - Жасорат кўрсатган, қурбонлар берган халқни ёдламоқ биз тирикларнинг бурчидир. Президентнинг Тошкентда Хотира майдони ташкил этиш, унда Қорақалпоғистон ва барча вилоятларимиз ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик мажмуи барпо этиш тўғрисида билдирилган ажойиб фикрлари қалбимда олов ёққандай бўлди...»

Яқиндагина саксон ёшли тўйини нишонлаган отахон адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга сазовор:

«Одамзод онгли ҳаёт кечираётган замонлардан бери беш минг йил ичида ўн тўрт минг марта уруш кўрди. Бу қирғин-баротларда не-не давлатлар, эл-элатлар, шаҳар-қишлоқлар йўқ бўлиб. миллион-миллион бегуноҳлар қирилиб кетди. Аммо шу урушларнинг биронтаси на кўлами, на унда қатнашган кучлар, кўрилган талофатлару қурбонлар жиҳатидан 1941-1945 йилларда фашизмга қарши олиб борилган урушга тенглаша олмайди.

Бу урушда ўзбек халқи ҳам унинг барча даҳшатини татиб, жабри-жафосини тортди. Бевосита жангларда бир ярим миллион юртдошимиз жон олиб жон берса-да, бутун ўзбек халқи фронтча ишлаб, фронтча яшади.

Қадриабад одамларни ёдламоқ тириклар учун фарздир. Шу боисдан Президентимизнинг бу ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайман», - дея фикрини давом эттиради кекса адиб ва бўлғуси Хотира мажмуини миллий мазмун ва шаклда барпо этиш юзасидан ўз таклифларини баён қилади.

«Ислом Абдуғаниевичнинг биз - уруш иштирокчиларига кўрсатаётган доимий диққат-эътиборини доимо сезиб яшаймиз! - дейди яна бир уруш фахрийси И.Баликов. - Пойтахтимизда Хотира хиёбони ташкил этиш, унда урушда ҳалок бўлган барча ўзбекистонлик аскарларнинг номма-ном эсланиши - бу ниҳоятда олижаноб ғоядир. Бу катта ватанпарварлик аҳамиятига эга иш бўлиши шубҳасиз».

Куни кеча Президент ҳузурида бўлиб ўтган ўша кенгашда давлатимиз раҳбари яна шу мавзуга қайтиб, мутасадди раҳбарлар, мутахассислар диққат-эътиборини пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида барпо этилиши мўлжалланган Хотира хиёбони қурилишини тезлаштириш масаласига қаратди.

«Савоб ишларни асло кечиктирмаслик керак, - деди Президент. - Афсуски, бизда кампаниябозлик касали кучли. Баъзан эзгу мақсад билан бошланган ишларни ҳам кампанияга айлантириб икки-уч кун шов-шув қиламиз-да, кейин ўз ҳолига ташлаб қўямиз. Хотира хиёбони масаласида асло бундай бўлмаслиги лозим. Чунки бу барчамизнинг умумий ишимиз, умумий дардимиз. Бу хиёбон жамиятимиз маънавий ҳаётида улкан тарбиявий аҳамият касб этадиган табаррук қадамжо бўлиб қолиши шубҳасиз».

Сўнгра Президент бўлғуси ёдгорлик мажмуининг ғоявий мазмунидан тортиб меъморий ечимига қадар бўлган барча жиҳатларни аниқ-равшан тушунтириб, изоҳлаб берди.

«Ёдгорликнинг марказий қисмида она Ватан тимсоли акс этиши керак. Уруш туфайли беҳад қайғу-жафолар чеккан, фарзандлари дорига кўз ёшлари дарё бўлиб оққан мунис ва мушгипар, мотамсаро Она сиймоси Ватан рамзини ифодалаши лозим. Унинг маҳзун қиёфаси, ғамгин нигоҳи чексиз аламини акс эттириш билан бирга одамзотни ҳушёрликка чорлайдиган, ҳеч қачон уруш ва қирғинларга йўл қўймасликка, уларнинг оллини олишга

Қандай қилиб уларни бугун «номаълум солдат» деган мавҳум ибора билан атаб, ўзимиздан узоқлаштиришимиз керак? Ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми!

Нима учун биз ҳаёти, номи маълум ва қадрдон бўлган ота-боболаримиз, ўша даҳшатли уруш йилларида ҳалок бўлгани бир парча қорахат орқали хабар этилган аждодларимиз хотираси пойида эмас, балки аллақандай «номаълум солдат» олдида бош эгишимиз керак?

Менинг фикримча, уларни «номаълум» деб аташ фашизмга қарши курашда қурбон бўлган шаҳидлар хотирасига соя солади. Уларни гўёки бизга дахли, алоқаси йўқ бегона кимсаларга айлантириб қўяди. Шу сабабли бу иборани ўрнига «шаҳид аскар», «қурбон бўлган аскар» деган ибораларни ишлатсак, ўйлайманки, халқимизнинг миллий табиати, урф-анъаналарига хос ва мос иш тутган бўламиз.

«Номаълум солдат» қабри тепасига ёзиб қўйилган «Сенинг исминг номаълум, жасоратинг абадий» деган сўзларни ҳам ўйлаб кўриш керак. Йўқ, биз учун шаҳид юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум, ҳеч қачон унутилмагай. Биз уларнинг номи билан бирга жасоратини абадийлаштиришимиз лозим. Шунинг учун Хотира хиёбони бунёд этганимизда қаҳрамонликни, ватанпарварликни улуғловчи, халқимизнинг руҳиятига мос тушадиган, одамнинг юрак-юрагига етиб борадиган таъсирли сўзларни топиб, ёдгорлик пештоқида абадий нақш этишимиз керак. Бундай сўзларни балки Алишер Навоийдан, балки Яссавийдан, балки муқаддас Ҳадислардан топиш мумкиндир».

Инсон хотирасиз, ўтган кунлар ёдисиз яшай олмайди. Йиғилишда Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон берган қурбонлар, уруш баҳонасида мустамлака тузуми халқимиз бошига солган беҳисоб жабр-зулмлар ҳақида ҳам фикр билдирди.

«450 минг ҳалок бўлган аскар - бу расмий маълумотга кўра жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг сони, холос. Аммо жангтоҳларда асир тушиб, фашист лагерларида жон берганлар, бедарак кетганлар - булар қайси рўйхатга кирган? Уларнинг тақдири, хотираси билан ким қизиққан? Уларни ким икки оғиз илиқ сўз билан эслаган? Ёки фашист асирлигидан қутулгач, «халқ душмани» сифатида айбланиб совет тутқунлигида Магадан конларида, Колима ўрмонларида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг ҳисобкитоби борми?..

Ана шу одамларнинг тарихини ўрганиш, хотирасига муносиб иззат-икром кўрсатиш биз - бугунги авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир».

Бу фоний дунёдан ўтганлар хотирасини эъзозлаш, ҳамиша ёдда сақлаш - халқимизга хос эзгу фазилат. Шунинг учун ҳам Хотира хиёбони барпо этиш ҳақидаги юртбошимиз таклифи ва ташаббуси халқимиз, миллатимизнинг айни кўнглидаги иш бўлиши шубҳасиз. Энди енг шимариб, пок ният ва улуғ мақсадлар билан амалий ишга киришиш вақти етди. Президент таъкидлаганидек, сохта рамзлар эмас, **тирик хотира халқини бирлаштиради. Унинг руҳига малҳам бўлади. Иродасини бақувват, ниёнонини бут қилади. Бўлғуси Хотира хиёбонига шу қадар катта эътибор бераётганимизнинг сабаби ҳам ана шунда.**

Ишончимиз комилки, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бу савоб ишдан четда қолмайди.

Хайриддин СУЛТОНОВ

Она тилим — жону дилим

ДАВЛАТ ТИЛИ — АСОСИЙ ВОСИТА

Маълумки, ёзувнинг ихтиро қилиниши энг қадимги даврларда ибтидоий солиқ ҳужжатлари юритиш учун қулайлик туғдирган. Ёзувнинг такомиллашуви билан инсоният тарихида ҳужжат юритишдек муҳим соҳа ҳам ривожланиб борди. Ҳужжатлар кишилар, жамоалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, давлат ичидаги ҳамда давлатлараро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳарбий соҳаларда алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш, мавжуд алоқаларни янада ривожлантириш учун хизмат қилиб келмоқда.

Шоҳ Ур-Наммунинг (милоддан олдинги 2112-2094 йиллар) қонунлари, Бобил шоҳи Ҳаммурапининг (милоддан аввалги 1792-1750 йиллар) қонунлар мажмуи энг қадимги ҳужжатларнинг намунаси сифатида машҳур бўлса, давлатни идора қилиш тартиб-қоидалари, турли мансаб эгаларининг вазифалари, солиқ солиш ва уни тўплаш тартиби, ҳарбий юришлар ўтказиш, қўзғолонларни бостириш қоидалари баён этилган турк хоқонлигининг «Қонуннома»си, Хондамирнинг «Қонуни Ҳумоюн» китоби, Рўзбеҳоннинг «Сулук алмулук» («Подшоҳларга йўл-йўриқ») каби нодир манбалар ҳам туркий халқлар тарихида ҳужжатчилик анъаналарининг жуда қадим даврлардан бошланганлигини кўрсатади. Юқоридагилардан ташқари, ўзбек халқи тарихида шоҳликлар, амирликлар, хонликлар ва бекликларда юритилган фармонлар, битимлар, арзномалар, тилхат, қарзнома, ёрлиқ ва гувоҳномалар каби ҳужжатларнинг намуналари бизгача етиб келган. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутувчи ёрлиқлар ўрта асрларда кенг қўлланишда бўлган.

Бизгача етиб келган ҳужжатлар ичида энг муҳими ва бутун дунёга тарқалиб, давлат арбоблари, шоҳлар ва ҳарбий саркардалар учун дастуриламал вазифасини ўтаб келган, бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари»дир. У ўрта асрлар давлатчилигининг асосий қонуни сифатида машҳур бўлиб, унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ҳамда вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва шу кабилар ўз ифодасини топган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, тарихда форс ва араб тилида асарлар яратиш анъанавий тус олган даврларда туркий халқларнинг кўплаб илмий-бадиий мероси шу тилларда ҳам яратилгандир.

Бизгача етиб келган манбалар орасида VII аср охири VIII аср бошларида Суғд подшоҳлиги даврига тегишли 80 га яқин ноёб ҳужжатлар ҳамда 1588-1591 йилларда Самарқанддаги тарихий воқеликни акс эттирувчи 800га яқин ҳужжатларни қамраб олган «Васиқалар тўплами» алоҳида аҳамиятга эгадир. «Суғд архиви»даги никоҳ гувоҳномаси 710 йилнинг 25 мартида расмийлаштирилган бўлиб, унда турк зодагони Уттакиннинг суғд аёли Дугдғунчага уйланиши қайд этилган ҳамда келин билан куёвнинг вазифа, бурч ва мажбуриятлари баён этилган. Шунингдек, ер харид қилиш, тегирмонни ижарага олиш, кўприкдан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш, харажатнома ва ўзаро ёзишмалардан иборат нодир ҳужжатлар Суғд подшоҳлиги даврида халқ ҳаётини ўрганиш учун муҳим манба бўлади.

«Васиқалар тўплами»даги ҳужжатларда эса мерос мулки тақсимлаш, болаларни ҳунар ўрганиш учун шогирдликка бериш, корхоналар, савдо дўконлари, ер-сув ҳамда уй-жой, мол-мулкни сотиш, сотиб олиш ёки ижарага бериш, қуллар меҳнатидан фойдаланиш, қулларни озод этиш, талоқ, сулҳ каби муносабатлар ўз аксини топган.

Амир Темур тузган қудратли давлат ўрта асрлар илм-фани, адабиёти ва санъати ривожига катта йўл очгани ҳеч кимга сир эмас. Амир Темур ва унинг авлодлари бошқарган юртларда давлат ишлари туркий (ўзбек) тилида олиб борилган. Уларнинг бу анъаналари кейинги асрларда Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари томонидан такомиллаштирилиб ривожлантирилган. Афсуски, XIX асрнинг охири ва аср бошларидан эътиборан шаклланган ва анъаналар давом этмай қолди.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши билан бошқарув органларида ҳужжатлар рус тилида юритиладиган бўлди. Асримиз бошидаги давлат тўнтаришлари ҳам бу соҳада деярли ўзгариш яратмади. 1924 йили Ўзбекистон мақоми расмийлашгач қонун йўли билан мавжуд вазиятга ўзгартишлар киритишга уринишлар бошланди. Шу йилнинг 31 декабрида республика инқилобий комитети «Ишларни ўзбек тилида юргизиш ҳамда Ўзбекистон Жумҳуриятининг инқилобий комитети ҳузурида марказий ерлаштириш ҳайъати ва маҳаллаларда музофот ерлаштириш ҳайъатлари тузилиши тўғрисида» 48-рақамли қарор қабул қилди. Унда ҳукумат, кооператив, хўжалик идоралари, муассаса, ташкилот ва корхоналарда бутун ёзув ишларини фақат ўзбек тилида юргизишга мажбур этиш вазифаси қўйилган эди.

1928 йилга келиб «Давдат идораларини ўзбеклаштириш» ҳамда «Ўзбекистон идора, корхона ва ташкилотлари ишчи-ходимларини ўзбек тилига мажбурий ўргатиш тўғрисида» иккита муҳим тарихий қарор қабул қилинади. Уларда ҳам давлат идораларини ўзбеклаштириш Марказий Комиссияга идораларда иш юритиш ҳужжатларини маҳаллий ва рус тилига ўтказиш, идораларни аста-секин икки тилни биладиган ходимлар билан тўлдириш, ўзбек тилини ўрганиш учун 1, 2, 3 йиллик тўгараклар ташкил этиш вазифаси юклатилган эди. Идора ва муассасаларга 1929 йил 1 октябрдан бошлаб ўзбек тилини билмайдиган ходимларни ишга олмаслик, ўзбек тилини менсимаган ёки унга нисбатан ғайри муносабатда бўладиганларни ўзбек тилини биладиган ходимлар билан алмаштириш ҳуқуқи берилган эди.

Орадан уч йил ўтгач, 1931 йили идораларни ўзбеклаштириш тўғрисида яна бир қарор қабул қилиниб, унда 1933 йил 1 апрелгача бутун Ўзбекистон бўйлаб ўта муҳим бу ишни тугаллаш белгиланган эди. Минг афсуски, олти-етти йил ичида кетма-кет қабул қилинган бу қарорларнинг биронтаси ҳам бажарилмасдан қолиб кетди. Мамлакатда такрор-такрор ўтказилган қатағон-қирғинлар, машъум иккинчи жаҳон уруши, шахсга сиғиниш даври, турғунлик йиллари собиқ империя таркибида бўлган республикаларнинг миллий тилларига бўлган эскича муносабатларни мустаҳкамлаб келди. Юқорида таъкидланганидек, ҳужжатларнинг аксар рус тилида юритилиши, қарийб 130 йил давомида ҳукм сурган мустамлакачилик муносабатлари ва тазйиқлар натижасида ҳужжатчилик борасидаги анъаналаримизда узилиш юз беришига олиб келди.

1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилиниши республикамизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида катта ўзгаришлар қилинишига йўл очди. «Давлат тили ҳақида»ги Қонун 1995 йил 21 декабрда мустақиллик даврига мос равишда янги таҳрирда қабул қилинди. Унинг 1-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» дейилган. Мазкур модданинг ўзиёқ бутун республикамизда ҳужжатлар билан боғлиқ барча ишларнинг давлат тилида олиб борилиши лозимлигини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1996 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни бажариш тадбирлари тўғрисида 267-сонли буйруқ чиқарди. Унда ўқув юртларида ходимлар ва талабалар учун «Давлат тилида иш юритиш, ҳужжатчилик ва атамашунослик» курсларини 1997 йилдан эътиборан доимий равишда ташкил этиш қатъий қилиб қўйилган. 1997 йил таълим соҳасидаги улкан ислоҳотларни бошлаш йили бўлди. Чунки бу йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида иккита йирик тарихий ҳужжат — «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Ҳар иккала ҳужжатни ҳаётга тадбиқ этиш бошланди. Таълим тўғрисидаги қонун ҳамда илмий дастурга таянган ҳолда давлат тилида иш юритиш борасида тубдан ўзгаришларни амалга оширадиган пайт келди.

Сир эмаски, бошланғич ташкилотлардан тортиб давлатнинг олий органларигача ҳужжатларга таяниб иш кўради. Ҳужжатларсиз ривожланган жамиятимизни тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда олдимизда турган улкан вазифалардан бири — бутун республикамизда барча корхоналарда ҳужжатларни ўзбек тили қонун-қоидаларига мос равишда расмийлаштирилишига эришишдир.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганига тўққиз йил тўлаётганлигига қарамасдан корхоналарда иш қоғозларини давлат тилида юритишга ўтиш қийинчилик билан кечмоқда. Бунинг бир қанча сабаблари бор, албатта. Чунончи, давлат тилида иш юритиш бўйича қўлланмалар, услубий ишлар кам, ҳужжат юритиш бўйича мутахассис-ходимлар тайёрланмаяпти, ишлаб турган ва асосан рус тилида ҳужжат юритишни яхши ўзлаштирган мутахассисларнинг давлат тилида малакасини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилмаяпти, ташкилотларнинг раҳбарларида бу муҳим масалага мавсумий бир иш деб қараш кайфияти ҳамон ҳукм сураётганлиги ва бошқалар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш учун давлат тилида иш юритиш бўйича дастлабки билимларни мактабда ўргатишни кенг йўлга қўйиш лозим. Чунки ўрта мактабни тугатган ҳар бир киши шу давдан бошлаб ҳар қадамда иш қоғозларига дуч кела бошлайди. Чунончи, ишга кириш, ўқув юртига ҳужжат топшириш, меҳнат таътили олиш, ишдан бўшаш учун ариза ёзиш, меҳнат таътилидан қайтганлиги тўғрисида билдиришнома ёзиш, йўл қўйилган хато-камчилик ёки ножўя хатти-ҳаракат учун тушунтириш хати ёзиш, бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот ёзиш, ўтказиладиган йиғилиш, мажлис баённини ёзиш, етказилган моддий, маънавий ёки жисмоний зарар учун даъво аризаси ёки шикоят хати ёзиш ва ҳоказолар. Баъзан ана шундай ҳужжатларни ўрта маълумотли мутахассис тугул олий маълумотли малакали мутахассисларимиз ҳам тайёрлай олишмайди. Келгусида «Давлат тили ҳақида», «Таълим тўғрисида»ги Қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тўлиқ тадбиқ этиш учун давлат тилида иш юритиш бўйича қўйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим деб ҳисоблаймиз:

— Олий ўқув юртларида, шу жумладан, ўрта махсус ўқув юртлари ва ўрта мактабларда «Давлат тилида иш юритиш ва ҳужжатчилик» курсидан ягона мукаммал дастур яратиш, шу дастур асосида услубий ишлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар тайёрлаш;

— корхона, муассаса, ташкилотларда ҳужжатлар билан шуғулланувчи махсус маълумотли ходимлар тайёрлаш курслари, мутахассисликлари очиш, уларда ўзбек ҳужжатчилиги асосларини кенг ўргатиш;

— корхона, ташкилот, муассасаларда ҳужжатлар билан иш кўрувчи ходимлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курслари ташкил этиш;

— корхоналарда маълум бир ҳужжатларнинг эскича ёки турли-туман андозаларда юритилаётганлигини ҳисобга олиб, шундай ҳужжатларни такомиллаштириш, уларнинг мукаммал андозаларини таклиф этиш;

— давлат тилида иш юритишнинг асосий воситаларидан бири бўлган ёзув машинкаларини кирилл ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги «ў», «қ», «ғ», «ҳ» ҳарфлари билан таъминлаш;

— «Давлат тили ҳақида» ҳамда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш билан шуғулланувчи вилоят ва туман ҳокимиятлари қошидаги комиссиялар таркиби ҳамда иш режаларини қайта кўриб чиқиш, комиссиялар таркибига иш юритиш бўйича мутахассисларни жалб этиш;

— вазирликлар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар қошида фаолият кўрсатаётган комиссиялар ҳамда раҳбарларнинг қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича масъулиятларини янада ошириш;

— иш қоғозлари номлари билан боғлиқ атамаларнинг имкони борича бир хиллигига эришиш (билдирги, билдириш, билдиришнома ёки ишончнома, ишонч хати, ваколатнома каби турли-туманликка барҳам бериш учун).

И. МИРЗАЕВ,
СамДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири

ҲАЁТ ДОРИЛФУНУНИ

ЁКИ ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

Қайноналар ҳақида гап кетгудек бўлса, албатта келин ҳақида ҳам гап бошланади. Баъзан қайнона-келин жанжали доимий муаммо ва бу жанжал ҳеч қачон тугамайди деган гапни эшитиб қоласиз. Биз совет тузуми даврида эр-хотин тенг ҳуқуқли деган ақидадан келиб чиқиб, ана шундай фикрлашга ўргандик. Эрни ота-онасидан, жигарларидан ажратиб, алоҳида тенг ҳуқуқли оила яратаман деб, мудом жанжалли турмуш бўлишига эришдик. Натижада аёл ҳам, эркак ҳам ҳаловатни оиладан эмас, кўчадан қидира бошлади. Хонадонда ҳаловат қолмади. Маънавий инқирозга юз тутди. Қайнона деса, етти газ сакраб кетадиган, қайнонага бўш келмайдиган, эрни қўлга олсам бўлди, ота-онаси билан нима ишим бор, деб турмушга енгил қараган келинлар пайдо бўлди ва бунинг таъсири ҳали ҳануз баъзи оилаларда учраб турибди.

Аслида шундай эдикми?

Бундай ўйлаб қаралса, қиз бола ота-онаси уйида нари борса 20-25 йил яшайди. Қолган умри узатилган хонадони — чин уйида қайнонаси билан бирга ўтади. Шунинг учун қиз болага «бировнинг хасми», ота уйида меҳмон деб қараганлар. Уни кўп ҳам оғир ишларга буюрмаганлар, қоғозга ўралган қанддек авайлаб асраганлар. Қиз бола — палахмон тоши, қаерга тушса, шу ернинг жирини жирлаши керак, деганлар ва ёшлигидан келинлик бурчлари, фазилатлари ҳақида қулоғига қуйиб келганлар. Палаги тоза, наслнасабли оилаларни кўп кузатаман. Уларда ҳали ҳам қудаандачилик — минг йилчилик, қайнона-қайнота деса энг улуғ, энг ҳурматли инсон тушунилади. Қадимдан эрнинг ота-онаси ҳамиша иззат-ҳурматда бўлган, келинлар қайнонам жоним онам, қайним — қаймоғим деб улуғлаганлар эрнинг жигарларини. Қайноғасини муллака, қайнэгачисини Пошшахон ўпа деб иззатлаган, фарзандларига «опоқдода, опоғойи» деб ўргатганлар. Қиз томон куёвни пайғамбарлар сийлаган деб етти қават кўрпача ёзиб кутиб олган. Қайинбўйиндаги болаларнинг исмларига келинлар «жон, хон» қўшиб айтиб, сизлаб гаплашишган. Қайнона измисиз келинлар уйига бормаган, қўшнисиникига чиқишмаган, сўровсиз бир ишга қўл уришмаган. Бу улар ҳуқуқсизлигидан шундай ҳолга тушишган дегани эмас. Балки қайинбўйини ҳурмати, иззати шундай бўлган. Уйланган йигитлар «Онангни кафтингда тутсанг, синглингни бошингда тут» мақолига амал қилиб, андиша билан опа-сингилларига мурожаат қилганлар. Ана шундай хонадонларда тинч-тотувлик, файз-ҳаловат, қут-барака бўлган, маҳалланинг энг олд хонадони ҳисобланган.

Малика амманинг хонадонларига меҳмонга бориб, уларнинг келин кутишлари, оила бошқаришларини кўриб, ўзимнинг янги келин бўлиб тушган даврларимни эсладим. Келинлари бири олиб, бири қўйиб, шундай меҳмон кутишардики, ҳавасим келди. Уларнинг ҳаё-ибо билан сўрашишлари, имо-ишора билан иш битиришлари, чаққон-зийракликлари... Малика ая тўрда биз билан суҳбатдалар. Уч келинлари хизматда. Бир имо билан қайнонанинг нима деганини тушуниб олишади. Айтганларини оғзиларидан чиқмай муҳайё қилишади.

«Келин кутишни сиздан ўрганиш керак экан», дейишди аёллар. Малика ая менга ишора қилиб: «Ҳаммасини сизнинг қайнонангиздан ўрганганман, қандай доно эдилар янгам», деб қолдилар.

Қайнонам Бувиниса ойини, қайнотам Рихсивой отани Бешқўрғонда етти яшардан етмиш ёшгача ҳамма билар эди. Қайнотамни содда, тўғрисўз, меҳнаткашликларига ишора қилиб ҳамма Охунбобоев деб атарди. У киши уруш йиллари лавлагидан юз центнердан ҳосил етиштирган, Фарҳод ГЭСи қурилишида қатнашган, Москвада ишчи баталонида хизмат қилган, қайнонам ҳам, қайнотам ҳам меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат билан ўтган инсонлар эди. Улар очарчилик йилларини кўрган, уруш машаққатларини енгган, «Оҳ» деб турмушдан нолимаган, ҳамиша шукроналик, сабр-қаноат, озига кўниб, кўпига кенгашиб ўтган ҳалол, тўғрисўз, иймонда мустаҳкам инсонлар эди. Мен шаҳардан далага келин бўлиб тушган қиз бу хонадонда доим ҳалол меҳнатни кўрдим, қайнонам таъбири билан айтганда, алдам-қалдамни кўрмадим. Оила бошқариш санъатини қайнонамчалик ҳали ҳеч кимда учратмадим, деб юрардим. Йўқ. Малика аммага бу санъат мерос бўлиб қолган экан.

Қайнонам фақат ўқиш билан овора бўлганимни, оилада кенжа қиз бўлиб, уй юмушларида йўқлигимни тўғри тушунганлар шекилли, менга: «Болам, ўрганганларингиз ойингизникида қолиб кетди,онага қизининг арзимаган иши ҳам жуда яхши кўринаверади. Шунинг учун алқайверади. Энди мани қўлимда рўзғор илмини ўрганасиз, ёмон-яхши гапирсам хафа бўлманг», дедилар. Содда эканман. Ойим қачон ёмон гапирар эканлар, ана шу ёмон гапларини эшитмай деб югуриб-елиб жоним ҳалак.

Қўни-қўшнилар чиқади, қариндошлар келади. Қайнонамнинг гапларини эшитиб ўтирсам, ичи ғиж-ғиж матал, мақол, ибора. Бир ой уйда ўтириб, иккита дафтарни тўлдирдим. Баъзан ёзиб улгуролмайман. Қайнонам сўзамол, шоирзабон, бир уй хотинни оғзига қаратиб ўтирадиган, энг кичик бола билан ҳам, агар тўғри келса, шоҳ билан ҳам тиллаша кетадиган аёл эдилар. Айтар сўзлари шундай нишонга бориб тегар эдики, эшитган одамга таъсир этмай қолмас, уни ҳам фикрлашга, ҳам ишга, ҳам яхшиликка ундаб юборар эдилар.

Бир кун қариндошлардан бири келиб келинидан, қудасидан ҳасрат қилди. Ойим уларнинг яхши хислатларини айта кетдилар. «Вой, ман боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз-а», деди аёл жиғибийрони чиқиб. «Ҳм, ўзинг ёниб турибсан, яна устингга керосин сепиб баттар аланглатайми, — дедилар ойим, — яхши томони ҳам бордир, жудаям қорага куйкаб ташлама, одами боласи-ку, ётиғига қараб силасанг балки тушиб қолар».

Аёл ҳушёр тортди. Кейин келинининг қилиқларини кула-кула айта кетди. Охири уйимиздан кўнгли ёришиб чиқиб кетди. Уни кузатарканлар ойим: «Йўловликка йўл бўлиб, оғизликка сўз бўлиб юрма, оғир бўл, ҳали яна узатадиган қизинг, уйлайдиган ўғлинг бор», дедилар. Бу билан дуч келган одамга ҳасрат қилаверса демоқчи эдилар назаримда.

«Арпа экқан арпа олади, буғдой экқан буғдой, болам, ўзининг ёшлиги қайтибди келинидан, ҳозирги келинлар эр деса кинони, эрини олиб келадиган пулини тушунади. Эр эпламоқ осон, этигини тортмоқ қийин. Оиласининг сирини кўчага дастурхон қилиб сочган хотин хотинми», дедилар. Булар бари мен учун ва мен тенги ёшлар учун сабоқ эди.

Бир кун уйимизга ойимнинг узоқ қариндошлари келди. Гаплашиб ўтириб синглисидан ноллиди: «Сиз айтиб қўйинг, ҳадеб ақл ўргатаверади, ойимдан хабар олдизми, отамнинг ўлган кунлари эсингиздами, ўзи бир ойда бир хабар оладими, йўқ», деди. Ойим қараб турдилар-да: «Ўғлим, нечага кирдиз?» деб сўрадилар.

«Каттангиз билан тенгдошман-ку».

«Ҳм, балли, бир ота-она йигирмата болани боқишга кучи етаркану, йигирмата бола битта ота-онани боқишга сансалор бўлиб қоларкан. Қиз деган мунглиқ бўлади. Яна чиққан қиз чийриқдан ташқари, деганлар. Ота-онангиздан хабар олиш сизнинг чекингизга тушган, болам. Бегона гапирмабди, синглингиз гапирибди, ўша ўзи етолмаётгани учун сизнинг эсингизга солиб, ўзига таскин бермоқчи бўлган. Бу ақл асли хотинингиздан чиқиши керак эди. Ёлғизгина синглингиз керак бўлса она ҳам бўлади сизга, опа ҳам, кўтарасиз гапини», дедилар.

«Ҳа, энди бир гапирдим-да», дея мулзам бўлиб чиқиб кетди у киши.



Ўғлим Шоҳруҳмирзо туғилди! Оилада биринчи невара! Ойимнинг қувончлари! Ким келса айтардилар: «Болаларим туравермади, ёруғ ерга ёғ қуйиб, қоронғу ерга чироқ ёқиб бир ўғил кўрдим, умри маҳкам бўлсин деб Маҳкамбек қўйдим. Яна ўғил бўлди, эргашиб ўссин деб Эргашбой қўйдим, кейин қиз кўрдим, ҳам Аллоҳга шукрона, ҳам оламга машҳур бўлсин деб Машкурахон қўйдим, кенжатойим Баҳодирим — кексайганда боқодирим, дедим. Мана энди шоҳ болам, Шоҳруҳ Мирзо боламга ташна бўлганимда етишдим. Ўн тўққиз йилда чақалоқ кирди хонадонимга», дея севинчлари чексиз эди.

Шоҳруҳ олти ойлик бўлгач: «Болам, ёзув-чизувингиз қолиб кетмасин, бекорга беш йил ўқитганми онангиз, ишга тушиб кетаверинг, мен ўзим боқаман Зеро, сиздаги бойлиқ ва жиҳозлар замонамизнинг давлатманд ва сармоядорларида ҳам йўқдир. Аммо мен бир нарсага ҳайрондурманки, шундай бадавлат хонадон қизининг кўча-куйда хайр-эҳсон сўраб, тиланчилик қилмоғига боис недур?

— Эй хожа, — деди мезбон, — мен бир гадо кишидурмен, бу менинг касбимдир. Мен қизим билан бирга ҳар кун бир Нишопур динори келтирамиз. Хотиним ҳам тахминан шунча келтиради. Мен ҳам, қизим ҳам хотинимдан кам олиб келмаймиз. Менинг даромадим асосан мана шу. Сен бугун қизимнинг тиланчилигини кўрдинг. Энди эрта тонгда масжидга келгил, токи мени ва хотинимнинг касбини кўриб, мушоҳада қилгайсан.

Ўша кеча мезбон савдогарни яхшилаб меҳмон қилди ва бедаҳ илтифотлар кўрсатди. Кечаси меҳмонга тоза кўрпалардан ўрин солиб бердилар. Тонг отгач, савдогар уйғониб ўрнидан турарканда, мезбон: «Таҳорат қилиб бўлгач, бозор ўртасидаги масжидга бор, токи мен ва хотинимнинг касб-коримиздан огоҳ бўлгайсан», деди.

Савдогар билан мўйсафид масжидга бордилар. Одамлар масжидга йиғила бошладилар. Масжид саҳни одамлар билан тўлгач, мўйсафид ўрнидан туриб, ёқимли хуш овоз билан ажойиб, кулгили латифалардан сўзлай берди. Токи одамларнинг кўнгли эриб, дилларида раҳм-шафқат иплари тортилди. Шундан сўнг мўйсафид аслмуддаога кўчиб, деди: «Эй халойиқ, билинглярким, барча бандаларнинг ризқини азал қисматда яратгандур. У кам ҳам бўлмайди, кўпаймайди ҳам. Шунинг учун ҳам, сиз яхшиларнинг инъомларингиздан баҳраманд бўлмоқ учун бомдод вақтида масжид эшигига келдим. Ногоҳ оёғим остида ҳамённи кўрдим. Ердан олиб қарасам, ичи тўла олтин тақинчоқлар экан. Мен ўз-ўзимга: «Бу ҳамён бирор кишиники бўлса керак. Албатта, тушириб кетган. Ҳар нарса бўлса ҳам масжидга олиб кирай, балки эгаси топилиб қолар, деган андиша билан бу ерга олиб келдим. Мана ўша ҳамённи очиб жамоатга кўрсатсинлар. Агар ҳамённинг эгаси топилса, ҳамён ичидаги оятин буюмларнинг нишонасини айтсин ва буюмларини қайтариб олсин...»

Имом ҳамённи очиб аҳли жамоатга кўрсатди ва ҳамён йўқотган киши бўлса ўртага чиқсин, деб нидо қилди. Аммо ҳамён эгаси топилмади. Шундан сўнг, ҳамён ичидаги олтин буюмларни ҳисоблаб кўрдилар ва икки юз динордан ортиқроқ баҳоладилар. Ҳамённинг то эгаси топилгунча, имомга топширдилар. Масжидга йиғилган аҳли жамоат мўйсафидни олқишлаб дуо қилдилар. Зеро, бир нонталаб гадо кишининг кўчада ҳамён топиб, унга хиёнат қилмай масжидга олиб келиши ҳар қанча мақтовга арзигулик ишдур, деб офарин ва тасаннолар ўқидилар. Шу пайт мўйсафид гадо ўрнидан туриб, жамоатга қуллуқ қилиб деди: «Эй халойиқ, мени бир ойлик тирикчилик машаққатидан халос қилиб, бозор ўртасидаги масжидга бор, токи мен ва хотинимнинг касб-коримиздан огоҳ бўлгайсан».

Аҳли жамоат сидқи дил билан ёнларидан пул олиб жамладилар ва ўн динор миқдорида мўйсафидга инъом қилдилар.



Шундан сўнг, бомдод намозини ўқидилар ва масжиддан чиқмоқчи бўлиб, эшик томон юра бошладилар. Ногоҳ, масжид эшиги қинчоқлар солинган ҳамённи кўчада тушириб кетибман. Туни билан кўчаларни кезиб қидирдим, аммо топмадим. Ўзим Танбеҳ берсам: «Қўйинг, уришманг, қадамизга ойиз гиргиттон, буёққа келинг, ўзим ботинқангизни қуритиб бераман», дедилар. «Бу болам ризқли, уни ким хафа қилса, мани хафа қилган билан баравар», дедилар. Шунданми, Шоҳруҳ ҳам қачон қараса, ойимга, додамга бораман дер, мактабда таътилга чиқди дегунча, улар томон учгудек бўларди.

Қайнотам, қайнонам оламдан ўтиб кетишди. Шоҳруҳ бўй етиб Тошкент Давлат Дорилфунунига ўқишга кирди, иккинчи курсда Армияга чақирилди. Ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтади. 1988 йил ноябри. Шоҳруҳнинг армиядан келадиган пайти яқинлашмоқда. Ҳар куни кун санайман. Бир кун туш кўрдим. Шоҳруҳ ертўлада эмиш. Ташқарида уруш бўлаётганмиш. Қоч, десам, тишларим тушиб кетган, дермиш. Оғзини очиб қарасам, оғзи тўла қум, тош. Бирдан қайнона, қайнотам пайдо бўлишди. Қайнотам Шоҳруҳга: «Қани, оғзингни оч-чи», дедилар ва қўллари билан Шоҳруҳнинг тишларини босиб-босиб қўйдилар. «Мана энди мусулмонлар, худони ўртага қўйиб айтаманки, бундан бўён ҳаргиз машшоталик касбини қилмайман. Худо йўлида менга бир оз инъом қилинглар, токи бозордан пахта олиб, ип йигириб сотиб, болаларимни боқай», деб зорланди. Унга одамларнинг раҳми келди ва раҳм-шафқат юзасидан бир неча динор олтин йиғиб бердилар. Шу билан аҳли жамоат масжиддан тарқадилар.

Мўйсафид гадо эса савдогарни ўз уйига бошлаб борди. Савдогарни ўтқазиб, олдига таомлар қўяркан, деди: «Эй хожа, бугун сен бизнинг касб-коримиздан воқиф бўлдинг. Бу кўрганинг гадойчилик ҳунарининг етмиш икки хил навъидан биргина латифадир. Бинобарин, биз ушбу йўллар билан молдунё тўплаймиз. Энди сен менинг иродамга бўйсунсанг, менга куёв бўлишга сендан кўра тузукроқ одам бўлмайди. Лекин мен кобинни (маҳр) гадоликдан ҳосил бўлган маблағдан олмоқчи эмасман. Ўзимнинг ҳалол меҳнатим билан топган пулимдан олмоқчиман. Агар шу ишга рози бўлсанг, ҳозир қўлингга топширамиз».

Хотин олтин буюмларнинг нишонасини бирма-бир айтди. Аҳли жамоат таҳсин ва офаринлар айтиб, ҳамённи хотинга топширдилар. Хотин аҳли жамоатга қараб деди: «Эй мусулмонлар, ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол ризқ-рўзғор тебратган, ҳаром-ҳариш нималигини билмаган, ҳаёли ҳам, кўзи ҳам тўқ, қўли ҳам очиқ, ҳалқ ичида обрў-эътибори баланд, ҳурмат-иззатда юрган, ҳаётдан ҳеч нарсадан кўнгли тўлмаган, ҳеч нарсага ҳасрат қилмаган, ҳеч нарсага ҳавас қилмаган, ҳеч нарсага ҳаваси келмаган, ҳеч нарсага ҳафсаласи пир бўлмаган, ҳеч нарсага ҳайрон қолмаган, ҳеч нарсага ҳаяжонланмаган, ҳеч нарсага ҳаловатини йўқотмаган, ҳеч нарсага ҳафа бўлмаган, ҳеч нарсага ҳайратланмаган, ҳеч нарсага ҳаракат қилмаган, ҳеч нарсага ҳаракатланмаган, ҳеч нарсага ҳаракатга келмаган, ҳеч нарсага ҳаракатга келтирмаган, ҳеч нарсага ҳаракатга келтирилмаган, ҳеч нарсага ҳаракатга келтирил

Олимлар табассуми

СЕН СУР БЎЛСАНГ, МЕН НЕ ҚИЛАЙ?..

Яратган эгам менга бахтни устозлардан берган. Наманган Педагогика билим юртида Алихон Ҳалимбеков домладан олган тил ва адабиёт дарслари, машҳур шарқшунос Александр Константинович Боровков, атоқли туркийшунос Александр Михайлович Шчербак домлалардан олган ҳар бир сабоғим менинг учун бир олам эди. Аюб Ғулом домладай тенги йўқ ўзбек тилшуносидан таҳсил олиш бахтига ҳам муяссар қилган мени. Тилшунослик касбини ҳам ўша Домланинг мафтункор лекцияларини эшитиб, илмий асарларини ўқигач, танлаганман.

Домланинг соддагина ўтган бирорта дарсларини эслай олмайман. Фонетикани ўтадиларми, морфологияними, йўл-йўлакай тилшуносликнинг ҳамма соҳасига доир биз учун мутлақо янги бўлган маълумотларни берар эдилар. Айниқса, этимологияга доир биз ҳеч билмаган гаплардан чексиз ҳайратга тушардик. Яхши сўзи «ёқмоқ», пичоқ сўзи «бичоқ», билан «бирлан» боғловчиси билан бир ўзакдан эканини билиб ажабланар, энди сўзга бошқа кўз билан қарар, ҳар бир сўзнинг асли қандай бўлгани, унинг яна қандай ўзгарган «қариндошлари» борлигини билишга қизиқар, ўзгариш сабабларини тушунишга ҳаракат қилар эдик.

Домла дарсларига тушунадиган талабани қадрлар, ҳафтафаҳмрогини аямас эдилар. Биздан ёши анча катта, ҳатто уруш кўрган толиблар орасида дарсни сўраганларида ранги оппоқ докадай оқариб кетадиганлари бўларди, бироқ ўшалар ҳам дарс вақтида зерикиб ўтирмасди. Аудитория баъзан сув қуйгандай тинч бўларди, баъзан талабалар қаҳ-қаҳасидан дераза ойналари зириллаб кетарди.

Аюб Ғулом домла ҳеч кимни уришмас эдилар. Биров улардан хафа бўлса, бу ўзининг билими ночорлиги, илмий ишининг бўшлиги туфайли юз берар эди. 50-йилдан 80-йилларгача Домлани фақат қувноқ ҳолда кўрганман, ваҳоланки, оилалари бошига тушган қатағон талотумлари, ўзларининг илмий фаолиятларида бўлган тўсиқлар бошқа ҳар қандай одамни ҳам синдирган бўлур эди. Ўзбек тили тарихида фонетик усул билан сўз ясаш бўлгани ҳақидаги қарашлари (бу қараш қанчалар янги ва чуқур эди) асоссиз айбланган. Н. Я. Маррнинг идеалистик қараши таъсири деб баҳоланган, ғоз сўзи билан зоғ сўзининг алоқаси ҳақида ёзганлари институт деворий газетасига карикатура қилинган, умумий мажлислар ўтказилган экан. Шунда ҳам жафокаш олим фақат бир жумла — «хато қилинган экан, тузатилади»дан нарига ўтмаган эканлар (булар ҳақида насиб бўлса алоҳида ёзиш ниятим бор). Орадан 40 йил ўтиб, татар фонетисти Фуад Ғаниев худди шу мавзуда докторлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади. У асосан Аюб Ғуломнинг ўша назариясига, унинг исботига, мисолларига таянди (мен яна хотиралар таассуротига берилиб кетдим).

Домладан билим ахборот тарзида эмас, бадиий ижод бўлиб тарқалар, дарс гўзал бир спектаклга, Домланинг ўзлари суюкли актёрга айланар эдилар. Юриш-туришлари, қотиб-қотиб кулишлари, қоматлари, кийинишлари, рўмолча тутишлари, бўрга ҳафсала билан қоғоз ўраб туриб (бир пара дарс давомида доска 5-6 марта тўлса ҳам, бармоқлари топ-тоза тураверарди) айтар гапларини ўйлаётганлари, нутқларида бирор ортиқча сўзнинг бўлмаслиги, ҳаммаси-ҳаммаси ажойиб эди. Талабалар чарчаганини дарров сезар эдилар ва зўр бир латифа ёки қизиқ бир ҳодисани айтиб берар эдилар-у, бир зумда чарчоғимиз гурр этган кулгу билан тарқаларди кетарди. Беихтиёр Домланинг тақлидчиси бўлиб қолардинг киши.

Барча талабалар Домланинг ҳақиқатчи эканликларини яхши билардик, уларнинг нозиктаъб ва озодагарчиликларини сезардик. Тошкентнинг Ҳадра мавзесида жойлашган уйлари билан Низомий номидаги Педагогика институти оралиғидаги 6-7 бекатни фақат яёв босишлари, ҳамма кирадиган кино-театрларга асло кирмасликлари, ўз уйларида ҳам идишлари алоҳида экани, наҳор ошига ўз қошиқларини олиб боришлари ҳақида гаплар талабалар орасида оғиздан оғизга кўчиб юрарди. Айниқса, Домланинг ўша пайтлардаги ниҳоя топмаган ўтли муҳаббатлари ҳақида достонлар тўқилган эди.

Бизнинг талабалик йилларимизда ҳам ёмон ўқийдиганлар бўларди, демакки, илтимосчилар ҳам бисёр эди. Шунақалардан биттаси Домлага имтиҳон топшира олмабди. «4»ми, «3»ми қўйиб бера қолинг, деб қайта-қайта ўзи ҳам келаверибди, илтимосчилар ҳам тинч қўйишмабди. Талабанинг сурлигидан, илтимосчиларнинг кўплигидан безиган нозиктаб Аюб Ғуломнинг рўпараларида яна ҳалиги ўтмас йигит пайдо бўлибди. Шунда устоз унинг зачёткасини қўлидан олибдилар-да, битта оқ қоғозга катта қулоқнинг расмини чизибдилар. Расмни буклаб зачёткaнинг ичига солибдилар, «Ма, илтимосларингни шу қулоққа айтавер ва айттиравер, мени тинч қўй» деб, кула-кула зачёткани унга баҳосиз қайтариб берибдилар. Бу ҳол ўтмасликни Аюб Ғуломчасига жазолаш эди. Қайсидир домла дарсини билмаган талабани уришиб берар, кимдир унга қовоқ уяр, яна биров жиркир эди, устидан куладиган домла ҳам топилар эди. Аюб Ғулом Домланинг жазоси буюк санъаткорлар жазосига ўхшаб кетарди. Бир буюк композитордан ночор нота нашри учун тавсия сўраганларида «нашр қилиш мумкин — кўп янги ва бадиий юксак ўринлари бор. Янгилари бадиий юксак эмас, бадиий юксаклари эса янги эмас», — деб ёзган экан. Умуман, талантли одамларнинг нимасидир бир-бирига ўхшаб кетар экан-да.

Ҳақиқатпарварлигингиз Ҳақ олдида эътиборли бўлган бўлгай, Устоз.

Сорахон ОТАМИРЗАЕВА

«Жаҳон адабиёти» янги варақларида

ОДАМ НИМАЛАРНИ КЕЧИКИБ БИЛАДИ?

Журналнинг илк саҳифаси машҳур белорус ёзувчиси Васил Биковнинг «Сариқ қум» ҳикояси билан очилади. Муаллифнинг «Турна қичқириғи», «Учинчи ракета», «Али балладаси», «Бўрилар галаси», «Ўлганлар оғриқни сезмайди», «Сотников», «Ёдгорлик», «Тонггача яшай олсак», «Бориш ва қайтмаслик», «Кулфат белгиси» қиссаларида ҳаётнинг ўткир муаммолари қўйилган. Асарни ўзбек тилига Озод Шарафиддинов таржима қилган.

Шунингдек, Хуан Рулфонинг «Педро Парамо» қиссасининг охири ва ҳинд адиби Яшпалнинг «Раққоса» романининг давомини ташналик билан ўқилади.

«Шеърият минтақалари» рукнида «Тансиқ табассумлар» сарлавҳаси остида қирғиз шоирларидан Суюнбой Эралиев, Рамис Рисқулов, Акбар Рисқулов, Темир Уметалиев, Анатой Ўмирқанов, Мирқабой Аматовларнинг шеърлари берилган.

Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг «Сунбуладан элчи келар» сарлавҳаси остида берилган янги шеърлари ҳам назм саҳифаларидан ўрин олган. «Ёзувчининг қалб дафтари» рукнида атоқли адиб Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» асари ўқувчилар учун янгилик бўлади деб умид қиламиз. «Азиз ўқувчим, — дейди унда адиб. — Бу китобчани қарийб қирқ йил ёздим. Булар менинг кузатувларим. Ўйларим... Бир қадар армонли, бир қадар истеҳзоли, бир қадар табассумли хулосаларим... Аслида уларнинг ҳар бирини алоҳида асар қилса ҳам бўларди-ку... мен буларни узоқ ўйлаб ёзганман. Илтимос, Сиз ҳам китобни шошмасдан, ўйлаб ўқисангиз».

Дарҳақиқат, ёзувчининг хулосалари «Табиат, жамият, инсон», «Саккизинчи мўъжиза», «Юзма-юз», «Табассумга мойил гаплар» каби умумий сарлавҳалар остида берилган. Ўқиб кўрнг-а:

* * *

«Одам учта нарсани қадрини доим кечикиб билади. Ёшлик, Соғлиқ. Тинчлик.

* * *

Аёл қалби тескари магнитга ўхшайди, яқинлашсанг — узоқлашади, узоқлашсанг — яқинлашади.

* * *

Хотин кишининг жони қирқта бўлади, десалар, ажабланманг. Негаки, у битта жонни ўзига олиб қолиб, ўттиз тўққизтасини фарзандларига беради.

* * *

Ёзувчининг ўқувчига айтадиган дарди қанча кучли бўлса, асар тили шунча бийрон бўлади.

* * *

Талантсиз ёзувчи товуққа ўхшайди. Ёнғоқдек тухум туғади-да, қақоғлаб оламни бузади!

* * *

Қанча кўп тилни билсангиз, шунча яхши. Бироқ одам она тилида тафаккур қилади, она тилида туш кўради, она тилида йиғлайди... Ўлим олдидан онасини она тилида йўқлайди...»

«Мангуликка дахлдор» рукнида Мунаввар қори таваллудининг 120 йиллиги олдидан «Туркистон жадидларининг йирик сиймоси» деб номланган мақола эълон қилинган.

Туркистон жадидларининг пешволаридан бўлган Мунаввар қори Абдурашидхон ўғлини замондошлари «Тошкент жадидларининг отаси» ҳам деб аташган. Дарҳақиқат, у 1900 йилдан бошлаб миллий озодлик учун курашга бел боғлаган тошкентлик зиёлиларга етакчилик қилди, асримиз бошларида пайдо бўлган жадидчилик ҳаракатининг назарий қарашларини, дастурини ишлаб чиқишда ақлий салоҳиятини намоён этди, амалий фаолиятига бошчилик қилди.

Жадидчилик ҳаракати нима, у нега Туркистонда пайдо бўлди, у ҳаракатнинг моҳияти, тарихдаги ўрни қандай? Жадидчилик ҳаракати жаҳоншумул аҳамият касб этолганмиди? — деган саволларга Бойбўта Дўстқораев мақоласидан жавоб топасиз.

«Адабий танқид» рукнида эса Туркия олими Исмоил Порлатирнинг «Янги турк шеърияти» мақоласи билан танишар экансиз, усмонли турк шеърининг манбалари ичига чуқур кириб бориш имкониятига эга бўласиз.

Муҳтарам муштарийлар «Саргузашт, Детектив, Фантастика», рукнида бизнинг тасаввуримиз учун тамомила янги асарларни ўқишга одатланиб боришяпти. Журнал бу сафар сизга XX асрнинг энг ёрқин фантаст адибларидан бири Айзек Азимовнинг «Коинот оқимлари» романини тақдим этмоқда. Айзек Азимов — биокимё доктори, улкан олим.

Маълумки, фантастикада икки хил йўналиш мавжуд. Бири «фантазм» (хаёлот) деб аталса, иккинчиси «Сайнс фикшн» (илмий тўқима) деб ном олган. Бизда улар «фантастика» ва «илмий фантастика» деб таржима қилинган. Бутун дунё эътирофи бўйича илмий фантастикада Айзек Азимов олдига тушадигани йўқ. Шуниси ажабланарлики, 1992 йилда ёзилган бу асарда кўрсатилган социал муаммолар Ўзбекистоннинг собиқ шўролар давридаги пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқ бошдан кечирган қийинчиликларига жуда ҳамоҳанг.

Журнал «Жаҳон кулади», «Солнома»рукнларида қизиқ-қизиқ мақолалар ва маълумотлар келтиради.

Назира ЙЎЛДОШЕВА

Кўнгил изҳори

БОЛАЛИККА ҚАЙТТИМ ЙЎҚ

Тўсатдан йиқилган болани қайси миллат, ирқга мансублигидан қатъий назар дарров бориб турғазиб қўямиз. Бурнини артиб ёшларини сидириб ташлаймиз. Кўйлакчаларини қоқиб, бўлса конфет, бўлмаса ширин сўзимизни улашамиз.

Уларнинг беғубор, ҳали ёмонлигу яхшиликни тўла англаб етмаган қалбига ҳаваслaнамиз. Болаликка қайттимиз келиб кетади ўша дамлар. Соғиниб кетамиз йиллар тумани ортида қолган болаликни.

Менинг эса болаликка қайттим йўқ. Баъзан хаёл қуюндек шаҳд билан кўтарилади-ю, туман дарпардасини бир четга суриб қўяди. Кўриниб кетади кўзларимга болалик йилларим. Болалик пайтимда судралган, югурган, юрган йўлларим. Бу йўллар ҳозир аҳён-аҳёнда тушларимга кириб чиқади.

Мен 5-6 ёшларда эдим. Онам фалаж бўлиб ётардилар. Дадам куну тун трактор ҳайдаб даладан бери келмасдилар. Акам, опаларим эса ўқишда. Уйда онам билан ёлғиз қолардик. Қишда онажоним ётавериб совқатсалар, эски дафтар, кераксиз китоб варақларини ёқиб печка иситиб берардим. Ёз кунлари мени уйдан топиб бўлмасди. Уйимиз қишлоқ қабристонига яқин эди. Ташландиқ бир қўли, оёғи йўқ қўғирчоқларни олиб қабристонга кирардим. Мен учун негадир шу жой ёқарди. Албатта ўзимнинг ҳам чўп қўғирчоқларим бўларди ёнимда. Уларни қабр устидаги мармар тош зиналарига қатор қўйиб узоқ ўйнардим. Нарвонларда ўтириб қарсак чалаётган теракларга, уларнинг шовуллаб тебранишига қараб хаёл сурардим. Кун исигач, уйқу элитган пайтлар ҳам бўлган. Мактабдан қайтган опамлар келиб мени олиб кетишарди.

Болаликдаги орзуим ёзувчи бўлиш эди. Кейин яна бир нарсани жуда истардим. Катта бўлиб ишласам, ҳамма ойлигимга колбаса олиб ейман, дердим. Орадан йиллар ўтиб катта ҳам бўлдим. Аммо ҳамма пулимга колбаса сотиб олганмасман. Аксинча, музқаймоқ учун ажратилган 20 тийинга ҳам китоб сотиб оладиган бўлдим.

Болалар сайргоҳида, осмонга бўз чўзган фавворалар ёнида отаси, онаси билан сайр қилиб юрган болакайларни кўрсам, ҳаваслaнаман. Ота-она, фарзанд учун ҳаётдаги сув ва ҳаво эканлар. Бола ўз ота-онасига қанчалар ярашади. Бири бирини тўлдиради. Мана шу тўлиқлик ҳеч қачон кемтикланмасин. Мен болаликнинг соф, беғубор дунёсига ҳаваслaнаману, қайттим келмайди. Бунинг иложи ҳам йўқ-да.

Дилором ИСМОИЛОВА



Гавжум барглар остида ошиқ диллар суҳбати

ҲАҚИҚАТГЎЙ ЁШ ЖИНОЯТЧИЛАР

Бир ой муқаддам АҚШнинг Нью-Йорк штатида одам боласи ишонмайдиган ғалати бир воқеа рўй берди. Шаҳар полиция маҳкамасига бир тўда ёш йигитлар кириб келишди.

Улар полиция бошлиғидан ўзларини қамоққа олиш ва тегишли чора қўллашни талаб қилишди.

«Ҳақиқатгўй жиноятчилар»нинг полиция бошлиғига айтишича, улар 2-3 йилдан буён гиёҳванд моддалар истеъмол қилишар, аммо ҳеч ким буни сезмас ва қаршилик ҳам билдирмас экан.

— Агар биз ўзимизни полиция қўлига топширмасак, бирор балога гирифтор бўлишимиз муқаррар, — дейди йигитчалар номидан гапирган мард Жонсон.

Дарвоқе, Нью-Йоркда бунга ўхшаган кутилмаган ғаройиб воқеалар тез-тез учраб туради.

«The Times» газетасидан «МТ» учун Тоҳир тайёрлади.

Турмуш токчаси

ЁРҒИЧОҒИМ, ЁРҒИЧОҚ

Ёрғичоқнинг қўлда айлантириладиган кичкинагина тегирмон эканлигини кўпчилик билади. Одамлар ёрғичоқни неча минг йилдан бери турмуш учун яратиб келадилар. Унинг ҳақиқатдан исми жисмига монанд. Ёрғичоқ донни майин ун эмас, балки ёриб-ёриб ёрма қилиб берган. Ёрғичоқнинг остки ва устки тошларининг шакли ҳар хил бўлган. Текисланган икки тошни бир-бирига уриб, ишқалаб, айлантириб ёрма қилинган.

Кейинги даврларда, айниқса фашистларга қарши уруш йилларида ёрғичоқ такомиллаштирилиб, митти тегирмон шаклини олган. Бироқ ёрғичоқда ун тортиш осон бўлган эмас. Нари-бериси бир пуд келадиган тошни айлантириб, бор-йўғи бир килограмм буғдойни ун қилиш учун 1-2 соат вақт кетган. «Ёрғичоқ тортган жонин ер (қийналади), ўғри ўзин молин ер (бари бир товон тўлайди)» деган матал бежиз эмас.

Замонамизда техника мислсиз такомил топиб, қўл тегирмонлар — ёрғичоқларгина эмас, ҳатто сув тегирмонлар ҳам камайиб кетди. Ҳамма ёқда ғоятда тез айланганидан унни ўта қиздириб майдалайдиган унумдор электр тегирмонлар ишламоқда. Бунинг устига олий нав ун олишда маҳсулотнинг талай қисми кепакка чиқарилади (олий нав уннинг 30-40 фоизи кепакка кетар экан). Кепак эса инсон соғлиғи учун ўта фойдали маҳсулотлардан ҳисобланади. Фалсафа — бир нарсада ютсанг, бошқасида ютқазасан. Наилож.

Лекин энди ҳеч ким шундай қулай, озода, зўр замонавий тегирмонларни қўйиб, ёрғичоқларга қайтмайди. Мабодо, олис даштлар, саҳролар, тоғ оралиқларида чўпонлар, ўрмонбегилар, дашт одамларига ёрқичоқлар ҳамон асқотмаса. Ёрғичоқ ва электр тегирмонларга қараб туриб, турмуш нақадар тараққий қилиб бораётганлигини шундоқ яққол ҳис этасиз. Самовар, иримус, канфиракляр ҳам куни кеча янгилик эди, бугун эса осор атиқа.

Наилож. Одам боласи дам ютиб, дам ютқизади. Турмуш бир ерда турмайди.

Суюн ҚОРАЕВ

«МИЛЛИЙ ЖУРНАЛ» ШАРҲЛОВЧИСИ:

ТАЖРИБА ЎРТОҚЛАШГАНИ КЕЛДИМ



Ёзимизнинг оташин кунлари Америкада чиқадиган ҳафталик «Миллий журнал» («National journal»)нинг сиёсий шарҳловчиси жаноб Павел Старобин бир неча кун Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Мухбиримиз америкалик ҳамкасбимиз билан учрашиб суҳбатлашди. Суҳбатимиз айнан Ўзбекистон матбуотчилари байрами арафасига тўғри келди.

— Жаноб Старобин, мана бир неча кундан бери Тошкентда экансиз, матбуотимиз билан яқиндан танишаётган бўлсангиз керак?

— Шу йилнинг апрел ойида Вашингтондаги Халқаро журналистика марказида кўрик-танлов ўтказилди. Бахтимни қарангки, менга марказнинг совринини — махсус грант олиш насиб этди. Шу грант боис Ўзбекистоннинг «Бизнес-вестник Востока» («БВВ») газетасида маслаҳатчи вазифасини бажаряпман. Биз бу ўзига хос газета ходимлари билан тажриба алмашяпмиз. Ўйлайманки, бундай учрашувлар Ўзбекистон журналистикасининг халқаро миқёсга чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

— Бугунги АҚШ журналистикаси ҳақида икки оғиз сўйлаб беролмайсизми?

— Журналистика турғунликни ёқтирмайдиган соҳа. У тинимсиз ўсиб-ўзгариб туради. Бугунги Америка журналистикаси аввалгидан кўра жуда катта куч ва шижоат билан олға силжимоқда. Демократик жараён бир зум ҳам тўхтаб турмайди. АҚШдаги «Интернет» компютер тизими жаҳон ахборотлари ва янгиликларини қабул қилиш ҳамда тарқатишда ўта замонавий хизмат кўрсатмоқда. Америка ОАВлари эркин. Шу билан бирга америкалик журналистлар меъёр ва масъулият билан ишлаш ҳадисини олганлар. Ҳар қандай эркинлик масъулиятни талаб қилади.

— Биз кўришга муяссар бўлаётган Америка филмларида журналистларнинг жиноятчилик ва қонунбузарликка қарши шижоатли курашлари ҳам акс эттирилади. Бу борада журналистлар ҳатто полициядан ҳам кўпроқ жонбозлик ва фидокорлик кўрсатадилар. Шулар ҳаммаси Америка ҳаёти учун рост гапларми ё кинони қизиқарли қилиш йўлидаги уринишларми?

— Америка оммавий ахборот воситаларининг барчаси 200 йилдан ортиқ эркин, мустақил, демократик шароитда фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатда жиноятчиликка қарши кураш жуда тезкор суръатлар билан олиб борилади. Жиноят содир этилдими, дарҳол махсус ТВ каналлари ва ОАВлари орқали хабарлар бериб борилади. Ўн дақиқа аввал Нью-Йорк штатида содир бўлган бирор бахтсиз ҳодисадан ўша заҳоти бутун мамлакат хабардор бўлади. Жамоатчилик фикри уйғотилади ва шакллантирилади.

— Ўзбекистоннинг янги мустақил журналистикаси ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлдингизми?

— Ўзбекистонга тўртинчи бор келишим. Мамлакатингиз матбуоти билан танишиб боряпман, унинг қандай техник имкониятларга эга эканлигини кўряпман. Бугунги Ўзбекистон журналистикаси ўсиб бораётган, ўзини англаётган журналистика. У «тўртинчи ҳокимият»га айланиш йўлида изланяпти, Жаҳон талабларини ўрганяпти, ихтисослашиш ва маҳорат орттириш йўлида катта қадамлар ташлаяпти.

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларингизга қандай тилаклар билдирган бўлардингиз?

— Улар мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўша оладиган фидойи кишилар бўлишларини тилайман.

Суҳбатдош Тоҳирбек

БИЛСАК БЎЛАДИМИ, МАОШИНГИЗ ҚАНЧА?

Кўп қизиқ одатларимиз бор-да. Икки киши ўртасидаги гап айланиб келиб, албатта қанча маош, қанча даромад олишга бориб тақалади. Ёки бозорда сотувчидан бирон нарса устида савдолашиб, нархини инсоф билан «тушириш»ни сўрасак, у дарров шикоят дафтарини очади, нарсасини нархини камайтиролмаслигига шунчалар кўп рўкачлар кўрсатадики, сўраганингизга пушаймон бўласиз. Бу бой бўлишнинг бир белгисимикина?

Лекин нега бировнинг даромади, ойлигини суриштирамиз? Бунга нима ҳақимиз бор? Ёки бу илгаридан мерос қолган камбағалликнинг асоратимикин? Юзини сидириб ташлаб ҳамма нарсани сўрайверишни бошқа нима деб аташ мумкин?

Биласизми, америкаликлар бир-бирларидан даромадлари ҳақида ҳеч гап суриштиришмас экан. Буни одобсизлик, яхши тарбия кўрмаганликка йўйишаркан.

Мен буни билмасдим.

Яқинда университетда АҚШлик ўқитувчимиз мистер Эрик Оуэн (ҳозир ТошДУда ишлаяпти) қизиқиб шу савол билан мурожаат қилдим.

— Айтингчи, мистер Эрик, шу ҳозир қанча ойлик билан яшаяпсиз? Тўғрироғи, маошингиз қанча?

Мистер Оуэн шунда нима деб жавоб берди денг.

Инглизчалаб ҳеч иккиланмай: «it's not your businnes», яъни «бу сизнинг ишингиз эмас», деб қўя қолди.

Тўғрисини айтсам, берган саволим учун афсусландим. Устига-устак Эрикнинг жавоби менга бироз оғир ботгандай бўлди. Бироқ ўйлаб қарасам, америкалик «бетгачопар» ўқитувчи тўғри қилган. Унинг шахсий ишларига аралашишга нима ҳаққим бор? У бунга йўл қўймайди ҳам! Ва дарҳол ахлоқий, ҳуқуқий чегараларни ўртага ташлайди.

Шахс — дахлсиз! Унинг оламига фақат ижозат этсагина кирасиз! Менимча, биз мояна суриштириш, шикоятбозлик одатимизни тарк этишимиз керак. Йўқса, Эрикка ўхшаган «аччиқ қалампир» кишилар олдида хижолатта қолишимиз ҳеч гап эмас.

Тоҳир ШОМУРОДОВ

FRANCE 98

КИМ МАЙДОННИ ТАРК ЭТАДИ?

Футбол бўйича жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди. Асримизнинг сўнгги чемпионлигига даъвогарлар сафи тобора камайиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ йигирмата омади чопмаган терма жамоа фаранг тупроғи билан хайрлашди. Ҳар бир ўйин кўплаб шов-шувлар ва ажойиб футбол санъатини мухлисларга ҳадя этмоқда. Аввало Бразилиянинг Норвегия терма жамоасига 2:1 ҳисобида мағлубиятга учраши жуда катта миш-мишларга сабаб бўлди. Ўша куни «юлдузлар» жамоаси ўзларига хос бўлган ўйинни намойиш этмадилар. Улар худди «ўқув машқи»да ўйнагандай бемалол, ортиқча жон койитмай тўп суришди. Баъзи бир мутахассислар улар ушбу ўйинни «сотишди», атайлабдан ютқазиб беришди, дейишган бўлсалар, бошқалар «ҳакам сотилди», аслида Бразилия командасининг дарвозаси томон белгиланган 11 метрлик жарима тўпи ҳакамнинг қасддан қилган хатоси бўлди, дейишмоқда. Нима бўлган тақдирда ҳам, бу ўйин «шўрлик» Марокаш командасининг «мотам куйи»ни чалишига олиб келди. Уларнинг Шотландия устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозониши амалда ўйин натижасига ҳеч нарса бермади. Аммо норвегияликларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Уларни 1/8 финалда италияликлар 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Бу ўйин бразилияликларнинг Норвегияга ҳаққоний ютқазганми ёки йўқми деган саволига анча ойдинлик киритса ажаб эмас.

Шунингдек, 27 июн куни икки жанубий америкаликлар — Бразилия ва Чили командалари Франциянинг пойтахти Париж шаҳрида бир-бирига қарши майдонга тушдилар. Ўйин шиддатли бўлиши аввалдан кутилган эди. Чунки Чили терма жамоаси билан италияликлар ўртасидаги учрашув фақатгина европаликларнинг омади туфайлигина 2:2 ҳисоби билан якунланган эди. Аммо Бразилия бу сафар ўз қитъадошларини аяб ўтирмади. Чунки бошқа иложи ҳам йўқ эди-да. Улар энди ҳақиқий бразилияча ўйин намойиш этишди. «Қирол»ликка номзод Роналдони тўхтатиш ҳар сафар осон кечмаган бўлса, Денелсон, Ривалдо, Бибиттолар ҳақиқий санъат намойиш этишди десак муболаға бўлмас. Ўйин 4:1 ҳисобида «юлдузлар» ғалабаси билан якунланди.

28 июн куни Франциянинг Сант-Дени ҳамда Ленс шаҳарларидаги ўйинлар ҳақиқий шов-шуварга сабаб бўлди. Кўпчилик Парагвай билан бўлган ўйин Франция учун бунга оғир кечишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Ўйин нақ икки соат давом этди. Шу икки соатни 90 дақиқаси тинимсиз Франция командасининг ҳужумлари остида ўтди. Аммо гол деган нарса французларга бу сафар анча «эркалик» қилиб, майдон эгаларининг асабини «эговлади».

Парагвай дарвозабони Чеповерд нафақат шу ўйиннинг, балки шу пайтгача бўлган ўйинларнинг ҳам қаҳрамони бўлди, десак янглишмасак керак. Жуда кўп ҳолларда ўз жамоасини муқаррар голлардан қутқариб қолди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишимиз жоиз. Четдан қараганда Бразилия ўйинчилари негадир унчалик кўп ҳаракат қилишмагандек туюлади. Бироқ гол уришга келганда эса улардан ўтадиган устаси фаранглнинг ўзи йўқ. Французлар эса тинимсиз ҳаракат қилишсада, бир-бирига тўпни ниҳоятда чиройли узатишса-да, лекин гол уришга келганда эса... Ўйиннинг асосий вақти тугаганда таблода ҳисоб ҳамон 0:0 бўлиб турарди. Қўшимча вақтнинг биринчи ўн беш дақиқаси ҳам шундай бўлди. Аммо 120-дақиқа Парагвай командасини «дод» деб аюҳаннос солишига сабаб бўлди. Сўнгги минутдаги «олтин» гол парагвайликларга кўзёш, францияликларга қувонч бахш этди. Қувонч билан қайғу ёнма-ён юради деб шунга айтсалар керак-да.

Иккинчи шов-шув Нигерия-Дания ўйинида содир бўлди. Африка «яшил бургут»лари Парагвай терма жамоасига 1:3 ҳисобида мағлубиятга учраганларида, уларни ҳам худди бразилияликларга ўхшаб атайлаб ютқазишди, деган гап-сўзлар кўпайган эди. Бироқ нигерияликлар атайлабдан ютқазмаганликларини ушбу ўйинда исботлашди. Улар данияликларнинг кучли ҳужумларига бардош беролмадилар. Дания футболчилари эса испанияликларнинг аламини олишди. Биринчи бўлимда Нигерия дарвозаси икки марта ишгол этилган бўлса, иккинчи бўлимда ҳам икки марта нигерияликлар бош эгишга мажбур бўлишди. Шундай қилиб, 1/4 финалнинг биринчи тўрт жамоаси маълум бўлди. Булар: Италия, Бразилия, Франция ва Дания футболчиларидир. Шунингдек, кеча яна икки ўйин бўлиб ўтди. Бу ўйинлар Ўзбекистон ТВси орқали мухлисларга ҳавола этилмоқда. Францияда жаҳон чемпионати давом этаётган бўлса, Ўзбекистон телевидениесида шарҳловчиларнинг пойинтар-сойинтар жумлалар тузиш бўйича «хатолар» чемпионати давом этмоқда. Бу чемпионат ҳақидаги мулоҳазаларимизни кейинги сонларда маълум қиламиз.

МУХЛИС БОЛА

Миллий Тикланиш

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0118.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.45

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Холли НОРБОЕВ